ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ҚАДИМГИ ТАРИХИ: АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР, ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ВА КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР

Маматов Алишер, Аманова Хилолахон
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари

АННОТАЦИЯ. *Ўтган асрнинг ўртасида Фарғона водийсида олиб борилган археологик ўрганишларни асосан Н. Г. Горбунова ва Б. З. Гамбург тадқиқотлари ташкил этади. Тадқиқотлар натижасида Водил, Қорамкўл, Оқ том ва бошқа қабристонлар материаллари орқали Фарғонанинг бронза даври маданияти, дафн маросимлари, моддий маданияти ва аҳолининг хўжалик фаолияти ҳақида муҳим маълумотлар аниқланди. Тадқиқотда Фарғона водийсида ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик анъаналарининг ўзаро муносабати, тоғ олди ва водий ҳудудлари ўртасидаги маданий алоқалар, илк темир давридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда шаҳарсозлик жараёнлари ўрганилди. Шунингдек, археологик маълумотлар асосида қадимги Довон давлати шаклланиши билан боғлиқ жараёнларга ҳам эътибор қаратилди.*

Калит сўзлар: *Фарғона водийси; археология; бронза даври; илк темир даври; Довон; деҳқончилик; чорвачилик; қабристонлар; Оқ том; Водил; Қорамкўл; шаҳарсозлик; маданий алоқалар.*

ABSTRACT. *This article examines the ancient history of the Fergana Valley through archaeological evidence, with particular attention to the development of agricultural communities, pastoral traditions, burial practices, and early urbanization. The study is based primarily on archaeological research conducted in the mid-twentieth century, including the investigations of N. G. Gorbunova and B. Z. Gamburg. Their excavations at cemeteries and settlements in the Fergana Valley provided important evidence for reconstructing Bronze Age and Early Iron Age cultural developments.*

Keywords: *Fergana Valley; archaeology; Bronze Age; Early Iron Age; Dawan; agriculture; pastoralism; burial practices; Ak-Tam; Voadil; urbanization; cultural interaction.*

КИРИШ

Фарғона водийси Марказий Осиёнинг энг муҳим тарихий-маданий ҳудудларидан бири ҳисобланади. Унинг географик жиҳатдан тоғлар билан ўралган нисбатан ёпиқ макон бўлишига қарамай, археологик материаллар водий

аҳолиси қадимдан қўшни ҳудудлар билан фаол иқтисодий ва маданий муносабатда бўлганини кўрсатади.

XX асрнинг биринчи ярмига қадар Фарғона водийсининг қадимги тарихи археологик жиҳатдан етарлича ўрганилмаган эди. 1950-йилларда археологик экспедициялар фаоллашиши натижасида қабристонлар, қишлоқ маконлари, қадимги шаҳарлар ва ирригация иншоотларини тизимли ўрганиш бошланди.

Бу жараёнда Н. Г. Горбунова ва Б. З. Гамбург тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг 1957 йилда эълон қилинган ишлари[1] Фарғона водийси бронза даври археологиясига оид муҳим манбалардан бири сифатида кейинги тадқиқотларда ҳам мунтазам қўлланилган.

Шу нуқтаи назардан, мазкур мақоланинг мақсади-1950-йилларда шаклланган археологик манба базасини замонавий тарихий-археологик ёндашув асосида қайта таҳлил қилиш ва Фарғона водийси маданий тараққиётининг асосий омилларини кўрсатишдир.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бронза даври: маданий тараққиётнинг дастлабки босқичлари

Фарғона водийсида бронза даврига оид археологик материалларнинг ўрганилиши минтақанинг қадимги аҳолиси ҳақидаги тасаввурларни сезиларли даражада ўзгартирди.

Водил ва Қорамкўл қабристонларида олиб борилган қазишмалар дафн иншоотларининг тузилиши, қабрларга қўйилган буюмлар ва маросим хусусиятларини ўрганиш имконини берди. 1955 йилги тадқиқотлар натижасида Водил қабристонида бир неча ўнлаб тош иншоотлар ва тош уюмли қурилмалар қайд этилгани 1957 йилги нашрнинг ўзида баён қилинган[2].

Бу материаллар бронза даври аҳолисининг дафн маросимлари муайян анъаналар асосида амалга оширилганини кўрсатади.Шу билан бирга, қабрлардан топилган керамика, металл буюмлар ва бошқа ашёвий далиллар жамиятда ҳунармандчиликнинг алоҳида йўналишлари шаклланганидан далолат беради.

Фарғона водийсининг қадимги иқтисодиётини тушунишда энг муҳим масалалардан бири — деҳқончилик ва чорвачилик муносабатидир. Водийнинг суғориш учун қулай текисликлари ўтроқ деҳқончиликнинг ривожланишига шароит яратган. Тоғ олди ва тоғли ҳудудлар эса чорвачилик учун қулай табиий муҳитни ташкил этган. Шу сабабли Фарғонада тоғ → тоғ олди → воҳа → водий маркази йўналишида иқтисодий алоқалар шаклланган, деб қараш мумкин. Бу

[1] Гамбург, Б. З., Горбунова, Н. Г. (1957). Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины. Советская археология, № 3, 130–135; Гамбург, Б. З., Горбунова, Н. Г. (1957). Ак-Тамский могильник. Краткие сообщения Института истории материальной культуры, Вып. 69, 78–90.

[2] Гамбург, Б. З., Горбунова, Н. Г. (1957). Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины. Советская археология, № 3, 130–135.

жараённи фақат “кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли қарама-қаршилиги” сифатида талқин қилиш етарли эмас. Аксинча, археологик материаллар улар ўртасида айирбошлаш, технологик таъсир ва маданий мулоқот мавжуд бўлганини кўрсатади.

Дафн маросимлари — қадимги жамиятни ўрганишнинг муҳим манбасидир.Археологик қабристонлар нафақат диний қарашлар, балки жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тузилиши ҳақида ҳам маълумот беради. Оқ том ва бошқа қабристонлардан топилган буюмлар орасида. сопол идишлар, металл қуроллар, тақинчоқлар, от анжомлари, камон ва ўқлар, ойна, мато ва бошқа буюмлар учрайди[3].

Н. Горбунованинг кейинги тадқиқотлари ҳам Фарғонадаги қабристон материалларини илк темир даври маданиятини реконструкция қилишда муҳим манба сифатида қараган[4]. Унинг 1962 йилги монографиявий тадқиқоти Фарғона илк темир даври маданиятига махсус бағишланган[5]. Шундай қилиб, қабр анжомлари орқали қадимги жамиятнинг мулкий фарқлари, ҳарбий анъаналари, ҳунармандчилик даражаси ва маданий алоқаларини ўрганиш мумкин.

Илк темир даври ва Довон давлати

темир даври ва Довон давлати. Фарғона тарихининг кейинги муҳим босқичи — илк темир даври ҳисобланади. Бу даврда аҳоли жойлашуви зичлашиб, суғорма деҳқончилик ҳудудлари кенгайди. Қадимги ариқлар ва каналлар тизимининг ривожланиши иқтисодий ресурсларни бошқаришнинг янги шаклларини юзага келтирди. Қишлоқ хўжалиги воҳалари атрофида мустаҳкамланган қўрғонлар ва шаҳар типидаги марказлар пайдо бўла бошлади. Айнан шу жараёнлар кейинчалик қадимги Фарғонада давлатчилик шаклларининг юзага келиши учун иқтисодий ва демографик асос яратган. Қадимги Хитой ёзма манбаларида тилга олинган Довон билан боғлиқ археологик масалалар ҳам шу нуқтаи назардан муҳимдир. Илмий адабиётларда Довон давлатининг шаклланиши ва Фарғонадаги илк темир даври маданиятлари ўртасидаги муносабат алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиб келган. Мингтепа — Марҳамат ҳудудидаги археологик мажмуа бу масалада айниқса муҳим аҳамиятга эга.

[3] Гамбург, Б. З., Горбунова, Н. Г. (1957). Ак-Тамский могильник. Краткие сообщения Института истории материальной культуры, Вып. 69, 78–90.
[4] Горбунова, Н. Г. (1961). Кунгайский могильник. Археологический сборник Государственного Эрмитажа, Вып. 3, 171–194.
[5] Горбунова, Н. Г. (1962). Культура Ферганы в эпоху раннего железа. Археологический сборник Государственного Эрмитажа, Вып. 5, 91–122.

Фарғонада шаҳарсозлик ва ирригатсия тизимининг шаклланиши

Фарғонада шаҳарсозлик ва ирригация тизимининг шаклланиши. Фарғона водийсида шаҳарсозликнинг ривожланишини суғорма деҳқончиликдан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди.Ирригациядаги ютуқлар қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини оширди,аҳоли зичлигининг ортишига олиб келди, ҳунармандчилик марказларини шакллантирди ва савдо ва айирбошлашни кенгайтирди. Шунингдек, шаҳарларнинг иқтисодий марказ сифатида ривожланишига замин яратди.

Шу нуқтаи назардан, Фарғона шаҳри, Қува, Мингтепа ва бошқа археологик мажмуаларни ягона “воҳа — қишлоқ — шаҳар — ҳунармандчилик” тизими доирасида тадқиқ қилиш самарали натижа беради.

Қадимги деҳқончилик маданиятини ўрганишда Ю. А. Заднепровскийнинг ишлари ҳам муҳим ўрин тутади, унинг 1962 йилдаги “Древнеземледельческая культура Ферганы” тадқиқоти Фарғона қадимги деҳқончилик маданиятига бағишланган йирик ишлардан биридир[6].

1950 йиллардаги тадқиқотларнинг энг катта аҳамияти шундаки, улар Фарғона водийсини археологик жиҳатдан “номаълум ҳудуд”дан тизимли археологик тадқиқотлар майдонига айлантирди. Горбунова ва Гамбург ишларидаги маълумотлар кейинги ўн йилликларда янги қазишмалар ва илмий талқинлар билан тўлдирилди. Горбунованинг кейинги ишларида Фарғона маданиятининг локал хусусиятлари, илк темир даври, қабристонлар ва маданий алоқалар масалалари янада чуқур ўрганилди[7]. Замонавий нуқтаи назардан қараганда, ушбу материаллардан учта муҳим илмий хулоса чиқариш мумкин.Биринчидан, Фарғона маданияти маҳаллий асосга эга бўлган, бироқ ташқи таъсирлардан узилган эмас.Иккинчидан, деҳқончилик ва чорвачилик бир-бирини инкор этувчи эмас, балки ўзаро боғлиқ иқтисодий тизимлар бўлган.Учинчидан, қабристонлардан топилган буюмлар Фарғона водийси аҳолисининг қўшни минтақалар билан маданий ва иқтисодий алоқаларини аниқлаш учун муҳим далил вазифасини бажаради.

Tadqiqotning asosiy natijalari

Тадқиқот натижасида қуйидаги асосий хулосаларга келинди: Фарғона водийсида бронза давридаёқ мураккаб маданий муҳит шаклланган. Ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик ўзаро боғлиқ иқтисодий тизимлар сифатида мавжуд

[6] Заднепровский, Ю. А. (1960). Археологические памятники южных районов Ошской области. Фрунзе: Академия наук Киргизской ССР; Заднепровский, Ю. А. (1962). Древнеземледельческая культура Ферганы. Материалы и исследования по археологии СССР, № 118. Москва–Ленинград: Академия наук СССР.

[7] Горбунова, Н. Г. (1970). О локальных особенностях в культуре древней Ферганы. Советская археология, № 1, 77–86; Горбунова, Н. Г. (1979). Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (к истории культуры Ферганы). Советская археология, № 3, 16–34.

бўлган. Қабристонлар археологик манба сифатида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий хусусиятларини реконструкция қилиш имконини беради. Илк темир даврида суғорма деҳқончилик, аҳоли зичлиги ва мустаҳкамланган манзилгоҳларнинг кўпайиши давлатчилик жараёнлари учун муҳим асос яратган.Довон давлати тарихини ўрганишда археологик ва ёзма манбаларни биргаликда таҳлил қилиш зарур.

1950 йиллардаги Горбунова ва Гамбург тадқиқотлари Фарғона археологияси кейинги тараққиёти учун муҳим илмий пойдевор вазифасини бажарган. Фарғона водийсининг қадимги тарихи бир нечта маданий ва иқтисодий жараёнларнинг узоқ давом этган ўзаро таъсири натижасида шаклланган. Бронза давридаги жамоалардан тортиб илк темир давридаги деҳқончилик воҳалари ва шаҳар марказларигача бўлган жараённи узлуксиз тарихий тараққиёт занжири сифатида кўриш мумкин. Бу жараёнда табиий муҳит, сув ресурслари, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва минтақалараро алоқалар муҳим роль ўйнаган.

1950 йилларда Горбунова ва Гамбург каби тадқиқотчилар томонидан тўпланган археологик материаллар бугунги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларни замонавий археологик ёндашувлар билан қайта таҳлил қилиш Фарғона водийсининг қадимги аҳолиси, уларнинг хўжалиги ва маданий алоқаларини янада чуқурроқ тушуниш имконини беради. Шу маънода, Фарғона археологияси фақат маҳаллий тарихни ўрганиш объекти эмас, балки Марказий Осиёда деҳқончилик, чорвачилик, шаҳарсозлик ва давлатчиликнинг ўзаро боғлиқ равишда шаклланиш жараёнларини ўрганиш учун муҳим минтақавий лабораториядир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тадқиқот натижалари Фарғона водийсининг қадимги тарихини бронза давридан илк темир даври ва кейинги шаҳарсозлик жараёнларигача бўлган узлуксиз тараққиёт жараёни сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Фарғона археологияси бўйича кейинги тадқиқотларда археологик материаллар, ёзма манбалар ва янги қазишма натижаларини комплекс қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Музей экспозицияларида мазкур археологик материалларни даврийлик, хўжалик фаолияти ва маданий алоқалар нуқтаи назаридан тизимлаштириш ҳам тарихий билимларни оммалаштиришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гамбург, Б. З. Горбунова, Н. Г. (1957). Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины. Советская археология, № 3, 130–135.
2. Гамбург, Б. З. Горбунова, Н. Г. (1957). Ак-Тамский могильник. Краткие сообщения Института истории материальной культуры, Вып. 69, 78–90.
3. Горбунова, Н. Г. (1961). Кунгайский могильник. Археологический сборник Государственного Эрмитажа, Вып. 3, 171–194.
4. Горбунова, Н. Г. (1962). Культура Ферганы в эпоху раннего железа. Археологический сборник Государственного Эрмитажа, Вып. 5, 91–122.
5. Горбунова, Н. Г. (1970). О локальных особенностях в культуре древней Ферганы. Советская археология, № 1, 77–86.
6. Горбунова, Н. Г. (1979). Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (к истории культуры Ферганы). Советская археология, № 3, 16–34.
7. Заднепровский, Ю. А. (1960). Археологические памятники южных районов Ошской области. Фрунзе: Академия наук Киргизской ССР.
8. Заднепровский, Ю. А. (1962). Древнеземледельческая культура Ферганы. Материалы и исследования по археологии СССР, № 118. Москва–Ленинград: Академия наук СССР.